5.3 “Буюртмачи” шартномада кўрсатилган муддатдан кечиктирилган хар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,5 % миқдорда, лекин кечиктирилган тўловнинг 50 %дан ошмаган миқдорда “Ижрочи” га пеня тўлайди.
5.3 Жарима ва пеня тўлаш томонларни шартнома шартларини бажаришдан озод этмайди.

### 6. Низоларни хал қилиш тартиби.

6.1 Шартномани бажариш пайтида юзага келган муаммолар томонларнинг ўзаро музокаралари орқали хал қилиниши мумкин бўлмаган холларда иқтисодий суди томонидан хал қилинади.
6.2 Томонларнинг манзили, корхона номи, хисоб рақами ўзгарган тақдирда хамда ҚМЧ хажми ўзгаришига таъсир этувчи омиллар пайдо бўлганда бир томон иккинчи томонга 10 кун ичида ёзма маълумот беради.
6.3 Шартноманинг 1.2. бандида кўрсатилган ҚМЧнинг хажми “Буюртмачи” нинг айби билан тақдим этилмаса, ёки “Буюртмачи” “Ижрочи” нинг юк ташиш хужжатларини расмийлаштиришдан бош тортса, “Ижрочи” жамоатчилик вакили иштирокида далолатнома тузади. Ушбу далолатнома иш тўлиқ миқдорда бажарилди деб хисобланишига ва тўлиқ миқдорда тўлов амалга оширилишига асос бўлади.

### 7. Форс-мажор.

7.1 Форс-мажор холати содир бўлганда томонлар шартномада кўрсатилган мажбуриятлардан озод этиладилар (корхонанинг тугатилиши, рахбар ёки жавобгар шахс ўзгариши, молиявий қийинчиликлар кабилар форс-мажор холатига кирмайди).

### 8. Қўшимча шартлар

8.1 “Ижрочи” хом-ашё, ёқилғи-мойлаш махсулотлари ва энг кам ойлик иш хақи миқдори ўзгариши муносабати билан белгиланган тартибда бир томонлама хизмат нархларини ўзгартиришга хақлидир ва “Буюртмачи”ни бу тўғрида ёзма равишда огохлантиради.

### 9. Шартноманинг муддати

9.1 Бюджет ташкилотлари билан тузилган шартномалар Ғазначилик бўлинмасида мажбурий рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва амал қилиш муддати томонларни шартнома тузишни бекор қилиш тўғрисидаги таклифи қабул қилишига қадар кучда бўлади.
9.2 Шартномани муддатидан олдин тўхтатмоқчи бўлган томон иккинчи томонни бу хақида бир ой олдин ёзма равишда огохлантиради, акс холда шартнома шартлари ўз кучини йўқотмаган хисобланади.
9.3 Томонлар шартнома муддати тугагандан сўнг ёзма равишда бошқа муносабат билдирмасалар шартнома бекор қилингунга қадар кучини йўқотмаган хисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар билан тузилган шартномалар бундан мустасно.
9.4 Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган уч нусхада тузилиб, бир нусхаси “Буюртмачи”да, иккинчи нусхаси “Ижрочи”да, учунчи нусхаси эса юқори турувчи ташкилот хисобланган “Махсусавтохужалик” ИЧБда сақланади.

### 10. Тарафларнинг юридик манзилгохлари ва тўлов реквизитлари

«Ижрочи»

«Махсусавтохужалик » МЧЖ__
(етказиб берувчининг номи)
Манзил:_Бухоро шахар Абай 64_
Тел./факс _228-10-28,(91) 411-39-39
Х/р 20210000800405193001
Банк номи _Ипотека Сардор филиал
МФО_00119___ ИНН_201189067______
ОКОНХ ___87320___

Рахбар ____________ А.Ш.Назаров
(имзо)

М.Ў.

Юрист: ____________ Д.Жумаев
(имзо)

«Буюртмачи»

Бухоро вилоят Фтизиатрия ва Пульмонология маркази
Бухоро Намозгох, 240
Тел (65) 226-40-80
х/р: 10002186006401704320105001
ИНН 201504434 ОКОНХ 91513
Газначилик булинмаси номи
Бухоро вилояти буйича
Газначилик бошкармаси
Газна: х/р 23402000 300100001010
Банк номи: Тошкент вилоят
Марказий банкининг
ХККМ МФО 00014СТИРн-201122919

Рахбар ____________ Убайдов Н.Ю
(Ф.И.Ш)

М.Ў.

Юрист: ____________ Арсланов К.С
(имзо) (Ф.И.Ш)